

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5220100 – 3.02

2016 йил “08” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “25” 08

ЯНГИЛИКЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Алимова Г. – ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси.

Такризчилар:

Матякубов А. –ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Каримов Ф. –“Туркистон”, “Молодёж Узбекистана” газеталари бош муҳаррири, *(кадрлар буюртмачиси)*.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

Фаннинг долзарблиги

Ахборот асрида яшаётган ҳар бир инсон учун янгиликлар жуда муҳим. Халқаро журналистика факультетида таҳсил олаётган талабаларнинг ушбу янгиликлар яратувчиси бўлиши ҳисобга олинмаган бўлса, улар шубҳасиз, ахборот оқимини белгилаб берувчи улкан куч сифатида ҳар қандай хабар моҳиятини теран англай олишлари ва уни кенг жамоатчиликка етказа олиш маҳоратига эга бўлишлари зарур. “Янгиликлар журналистикаси” фани талабаларда айнан мана шу малакани ҳосил қилишга хизмат қилади.

“Янгиликлар журналистикаси” фани дастури миллий матбуотимиз анъаналари ва ривожланган демократик давлатлар оммавий ахборот воситалари тажрибаси асосида тузилган бўлиб, талабаларга бугунги матбуотнинг асоси бўлган янгиликлар ҳақида тушунча беради. Унда янгиликларнинг давлат ва жамият тараққиётига таъсири, демократик жамият учун янгиликларнинг аҳамияти, янгилик тушунчасининг келиб чиқиши, янгиликнинг ўзига хослиги, унинг журналистикадаги бошқа жанрлар учун асос эканлиги, янгиликлар концепцияси масалалари ўргатилади.

Мазкур фанда янгиликлар тузилмаси ва олти боқий савол, материал шаклини белгилаб олиш, танлаш алоҳида-авлоҳида мавзуларда ўрганилиши кўзда тутилган бўлиб, мавзуларнинг бевосита амалий машғулотларда муҳокама ва таҳлил этилиши, амалда ёзиш ва таҳрир қилиш кўникмаси ҳосил қилиниши кўзда тутилган.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Янгиликлар журналистикаси” фани асосий умумқасбий фанлардан бири фани ҳисобланиб, 1-курснинг 1 ва 2-семестрларда ўқитилади. Бу фанни ўзлаштириш учун “Журналистикаси асослари”, “Журналистика тарихи”, “Лингвистик коммуникация воситалари тизими”, “Халқаро журналистиканинг ҳуқуқий асослари”, “Таҳрир маҳорати” фанларидан билим, кўникма ва малакага эга бўлиш талаб этилади. Бу фан таркибига кирган барча бўлимлар мантиқий изчилликка асосланган ҳолда кетма-кет жойлаштирилган.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Ушбу фан таркибига кирувчи назарий билимларни эгалламай туриб

журналист-мутахассис бўлиш мумкин эмас. Чунки журналистик фаолият самарадорлиги журналистнинг чуқур билимга эга бўлиши билан бирга журналистик матн шакл ва мазмунини яхши билиши, аниқроғи жанрлар талаби асосида журналистик асар ёза олиши керак. Мазкур фанни чуқур ўзлаштирган талаба келгусида журналистик ижодида аниқликка, ҳар бир далил ва маълумотлар, ҳужжатлар билан ишлашга жиддий ёндашишга, ўзи ишлайдиган ОАВ таҳририяти фаолиятини яхшилаш ва ривожлантириш борасида аниқ таклиф ва режалар ишлаб чиқа олишга ўрганади. Ўзида бундай малакаларни шакллантирган мутахассис учун меҳнат бозорида ўзига муносиб иш ўринларини топиши осон бўлади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

“Янгиликлар журналистикаси” фанини ўқитишда таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиш, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини татбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, модуль топшириқлари)дан фойдаланилиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан (ақлий ҳужум, кластер, матбуот анжумани, брифинг, дамино кейс-стади, амалий иш ва дидактик ўйинлар), шунингдек, компьютер дастурларидан ва интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

Фан ўқитувчиси томонидан педагогик ва модулли технология тамойиллари асосида “Янгиликлар журналистикаси” фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Фан модулининг дастури (module syllabus)

Ўқув курсининг тўлиқ номи:	Янгиликлар журналистикаси		
Курснинг қисқача номи:	ЯЖ	Код: ЯЖ	
Кафедра:	Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти		
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	Г.Алимова, Б.Алимов, Х. Абдурахмонова	E-mail. Alimova.@list.ru	
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги	1,2-семестр, 38 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	жами:	130	
	шунингдек:		
	маъруза	38	
	Семинар		
	Амалий	38	

	мустақил таълим	54		
Ўқув курсининг статуси	Умумкасбий фанлар блоки			
Дастлабки тайёргарлик:	Курс “Журналистика асослари”, “Лингвистик коммуникация воситалари тизими”, “Журналистика тарихи” фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.			
<p>Фаннинг предмети ва мазмуни: – талабаларга журналистик билимларнинг назарий асосларини, янгиликлар журналистикасининг асосий тушунчалари ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалга татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга йўналтирилган.</p>				
<p>Фанининг мақсади – мазкур фаннинг мазмун ва моҳиятини англашиш, янгиликлар журналистикаси хусусида назарий тушунчалар ҳосил қилишдан иборат бўлиб, бу талабаларда янгиликни тўғри талқин қилишни, репортаж, интервью, суҳбат, ҳисоботнинг жанр хусусиятларини ва уларни таҳрир қилишни билиши ва улардан фойдалана олиш кўникмасини яратишга ва уларни амалда қўллаш олишга хизмат қилади.</p> <p>Фаннинг вазифаси – талабаларни янгиликлар журналистикасининг назарий билимларини, ахборот манбалари билан ишлашни ўргатиш; ижтимоий воқеликни ақс эттиришда ахборий жанрларининг аҳамияти ва бу жанрларда ёзиш кўникмасини ўзлаштиришга кўмаклашиш; ҳозирги ахборотлашаётган жамиятнинг долзарб муаммоларини очиб бериш; жамият ва ОАВ муносабатлар тўғрисида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш.</p> <p>“Янгиликлар журналистикаси” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> – янгиликлар тушунчаси, тузилмаси, таркибий қисмлари, янгиликнинг турлари, хабар, ахборот янгилик, репортаж, интервью, ҳисобот сингари ахборий жанрлар турлари ва уларнинг шакли ва мазмуни тўғрида тасаввурга эга бўлиши; – янгилик ёзишнинг хронологик, климатик, тўнкарилган эҳром шакллари, янгилик учун кириш танлашни, янгиликни таҳрир қилишни, репортаж, интервью, суҳбат, ҳисоботнинг жанр хусусиятларини ва уларни таҳрир қилишни билиши; – умумий ахборот оқимидан янгиликларни ажрата олиши, фактларнинг муҳимлик даражасини аниқлаши, ахборот жанрлари турларини амалда қўллаш олиш кўникмаларига эга бўлиши; – янгилик, репортаж, интервью, суҳбат, ҳисобот ёза олиш, фактларни саралаш ва текшириш, ахборот жанрлари материалларини таҳрир қилиш, репортаж, интервью, суҳбат, ҳисобот учун объект топа билиш малакаларига эга бўлиши керак. 				
Курснинг тематик таркиби ва мазмуни				
Т/р	Мавзу	Маъруза	Амалий (семинар)	Мустақил иш
1-семестр				
1.	Янгиликлар тушунчаси	2	2	2
2.	Янгилик ва тараққиёт	2	2	4
	Жорий назорат (ЖН)			
3.	Ахборот олишнинг ҳуқуқий кафолатлари	2	2	2

4.	Янгиликлар турлари ва уларнинг ОАВдаги ўрни	4	4	2
	Оралик назорат (ОН)			
5.	Пресс-релиз асосида янгилик ёзишнинг ўзига хосликлари	2	2	2
6.	Айрим янгиликлар матнини ёзишнинг ўзига хос хусусиятлари	4	4	2
	Жорий назорат (ЖН)			
7.	Репортаж	2	4	2
	Якуний назорат (ЯН)			
	1-семестр бўйича жами	18	20	26
	2-семестр			
8.	Репортаж турлари. Воқеабанд, мавзули, муаммоли репортажлар.	2	2	4
9.	Интервью	2	2	2
10.	Интервьюга тайёргарлик кўриш	4	4	4
	Жорий назорат (ЖН)			
11.	Суҳбат	2	2	2
12.	Суҳбат мавзусини белгилаш	2	2	2
	Оралик назорат (ОН)			
13.	Давра суҳбати	4	4	2
14.	Ҳисобот	2	2	4
	Якуний назорат (ЯН)			
	2-семестр бўйича жами	20	18	28
	Умумий	38	38	54
Таълим бериш ва ўқитиш услуги:	Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (давра суҳбат, , брифинг, матбуот анжумани, кейс стади, мастер-класслар)			
Мустақил ишлар:	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проспекти, эссе ва ҳ.з.			
Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти	Кунлар	Вақти	Ауд.	
1.				
2.				
3.				
Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:				
ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда берилди				
Баҳолаш усуллари	Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з.			
Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш	Назорат шакллари Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда			

сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа кўринишда ўтказилиши мумкин.

Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони

Балл	Талабанинг билим даражаси
86 - 100 балл	<ul style="list-style-type: none"> – талаба машғулотларга доимо тайёрлаган, жуда фаол, ўқув материални моҳиятини тушунади; хулоса ва қарорлар қабул қила олади, ижодий фикрлайди, билимларни амалиётда қўллай олади; – Янгиликлар ҳақида тўлиқ тушунчага эга ва матбуотда чиққан янгиликларнинг турларини ажрата олади. – Мустақил мушоҳада юритиб, ижодий фикрлайди, янгиликнинг барча турларида ёза олади.
71 - 85 балл	<ul style="list-style-type: none"> – талаба ўрганилаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлай олади ва мустақил мушоҳада қила олади; – Янгиликлар ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш баробарида, янгилик турларини ажрата олади. Янгиликнинг айрим турларида ёзиш кўникмасига эга; – талаба ўқув материалларни билади, моҳиятини тушунади ва тасаввурга га.
55 - 70 балл	<ul style="list-style-type: none"> – талабанинг эшитганлари, тақдим этилган тарқатма материаллар ва кўрсатмалар асосида топшириқларни бажара олади, лекин ижодий мустақил ҳаракат қила олмайди; – Ўқув материални тушунтириб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга.
0 - 54 балл	<ul style="list-style-type: none"> – талаба тасаввурга эга эмас; – талаба ўқув материалларни билмайди.

Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:

Глоссарийлар:

Ахборот ресурс база:

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

1-модул. Янгиликлар тушунчаси

Янгилик тушунчасининг келиб чиқиши. Янгиликнинг ўзига хослиги. Янгиликнинг журналистикадаги бошқа жанрлар учун асос эканлиги.

Янгиликлар концепцияси.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари янгиликлари қабул қилган олти савол – «ким», «нима», «қаерда», «қачон», «нега», ва «қандай қилиб» ахборотнинг асосий унсурлари сифатида. Материал тузилмасини белгилаб олиш, танлаш. “Тўнқарилган эҳром” шакли, оддий хронологик шакл. Климатик шакл. Бошқа тузилмалар.

Янгиликларни баҳолавчи саволлар, янгилик элементларини қўллаш.

John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Журналистика бугун» номли биринчи бобидаги «Журналист касби», “Муваффақиятли журналист бўлиш учун нима қилиш керак?”, “Журналистик терминлар”, “Журналистик услуб” бўлимларидан фойдаланилади.

2-модул. Янгилик ва тараққиёт

Янгиликларнинг давлат ва жамият тараққиётига таъсири. Демократик жамият учун янгиликларнинг аҳамияти. Тоталитар тузумда янгиликларнинг аҳамиятсизлиги. Уюштириладиган сохта янгиликларнинг мақсадлари.

Янгиликлар тайёрлашда фойдаланиладиган технологиялар миқдори. Янгиликлар бизнес сифатида қабил масалаларга ойдинлик киритишда

John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Журналистика бугун» номли биринчи бобидаги “Журналистика ва технология”, “Журналистика бизнес сифатида” бўлимлари мос келади.

3-модул. Ахборот олишнинг ҳуқуқий қафолатлари

Ўзбекистонда журналистнинг ахборот олиш ҳуқуқлари бўйича давлат қонунлари. Ахборот олишни таъминлаш. Ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгарлик. Журналистнинг мажбуриятлари. Журналистика соҳасининг сири. Янгиликлардан ўз вақтида огоҳ бўлиш санъати. Демократик жамиятда ахборот йиғишнинг мураккаблиги. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар орасидан янгиликни ажрата билиш. Аниқланган янгиликларнинг далил (факт)ларини қайта текшириш.

John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Янгиликларни танлаш ва узатиш» номли иккинчи бобидаги “Ҳаққонийлик тушунчаси”, “Аниқликнинг аҳамияти” бўлимлари, шунингдек “Тухмат, махфийлик ва янгиликлар тўплаш” номли бешинчи бобидаги “Тухмат”, “Махфийлик” ва “Янгиликларни тўплаш масалалари” бўлимларидан фойдаланилади.

4-модул. Янгиликлар турлари ва уларнинг ОАВдаги ўрни

Давлат сиёсати, халқаро сиёсат ҳақида янгилик ёзиш. Иқтисод-молия ҳақида янгилик ёзиш. Таълим янгиликлари. Илмий янгилик ёзиш. Спорт янгиликларининг энг кўп ўқилиши. Бошқа мавзудаги янгиликлар ёзишнинг

ўзига хосликлари. Янгиликлар ёзишда ихтисослашишнинг аҳамияти.

Янгиликлар характери ва элементлари, янгилик турлари: оғир ва енгил янгиликлар масалаларига John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Жамоатчилик ҳаётига оид мавзуларда янгиликлар ёзиш» номли ўн саккизинчи бобидаги “Жиноий ишлар ва ҳалокатлар тўғрисида материал тайёрлаш”, “Маҳаллий ҳукумат органлари фаолияти ҳақида янгилик ёзиш”, “Суд жараёнларини ёритиш” бўлимлари тўғри келади.

5-модул. Пресс-релиз асосида янгилик ёзишнинг ўзига хосликлари

Пресс-релиз факт ва маълумотларини саралаш. Пресс-релизда берилган ахборотга ижодий ёндашиш. Пресс-релиз матнининг журналистик материалда айнан қайтарилишга йўл қўймаслик.

Yangilik elementlarini qo'llash.

6-модул. Айрим янгиликлар матнини ёзишнинг ўзига хос хусусиятлари

Телеянгиликлар. Телеянгиликлар матнининг тасвирдаги воқеа-ходисалар билан ҳамоҳанглиги, боғлиқлиги. Репортёр услуги – жонли чиқиш ва нутқнинг ўзига хослиги. Радио янгиликлар. Репортёрнинг нутқ маданияти. Воқеа-ходисалар иштирокчиларининг жонли гувоҳликларини янгиликда бера билиш маҳорати бўйича. John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Радио ва теле янгиликлар дастурлари учун материал тайёрлаш» номли ўн иккинчи бобидаги “Янгилик матнининг таркиби”, “Бошловчи учун матн тайёрлаш” бўлимлари, шунингдек, «Рақамли медиа: онлайн, мобил ва ижтимоий тармоқ» номли ўн учинчи бобидаги “Рақамли медиага материал тайёрлашга доир йўриқнома” мавзулари тўғри келади

7-модул. Репортаж

Репортаж тушунчаси ва унинг келиб чиқиши. Репортаж ахборот жанрининг асосий турларидан бири сифатида. Репортаж ёзиш жараёнида журналист воқеа-ходисанинг иштирокчиси сифатида. Репортажда жой, муҳит, манзара, одамларнинг кайфияти, воқеа-ходисалар жараёнининг акс этиши.

8-модул. Репортаж турлари. Воқеабанд, мавзули, муаммоли репортажлар.

Репортаж турлари. Воқеабанд, муаммоли ва мавзули репортажлар. Матбуот, теле, радиорепортажларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу модулда John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Янгиликларни танлаш ва узатиш» номли иккинчи бобидаги “Янгиликка арзигулик воқеа нима?” бўлими, “Фичер янгиликлар” номли ўн еттинчи бобнинг тегишли бўлимлари, «Радио ва теле янгиликлар дастурлари учун

материал тайёрлаш» номли ўн иккинчи бобидаги “Янгилик матнининг таркиби”, “Бошловчи учун матн тайёрлаш” бўлимлари мос келади.

9-модул. Интервью

Интервью – ахборот жанри сифатида. Интервью ахборот йиғиш усулларида бири сифатида. Интервью композицияси. Интервью олдида кўйиладиган специфик талаблар. Интервьюнинг кўринишлари: Интервью-монолог, интервью-ахборот, интервью-диалог, эксклюзив интервью, анкета, сўровнома, жамоавий интервью масалалари John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Интервью олиш» номли ўн биринчи бобидаги “Мураккаб саволларга ёндашув”, “Телефон ва электрон почта орқали интервью олиш этикети”, “Интервью олиш бўйича йўриқнома” каби бўлимларидан фойдаланилган.

10-модул. Интервьюга тайёргарлик кўриш

Интервью олинадиган мавзуга доир адабиётлар билан танишиш, қахрамонни, унинг фаолиятини ўрганиш, саволлар тузиш маҳорати масалаларини ўрганишда John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Интервью олиш» номли ўн биринчи бобидаги “Интервьюга тайёргарлик кўриш босқичлари”, “Интервью олишдан олдин олиб бориладиган изланишлар”, “Шахс профилига тегишли саволларни тайёрлаш” каби бўлимларидан фойдаланилди.

11-модул. Сухбат

Сухбатнинг тахлилий жанр сифатидаги хусусияти. Интервью ва сухбатнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари. Сухбатда журналист саволи. Сухбатда баҳсга киришишнинг ўзига хос хусусиятлари. Баҳслашиш одоби. Сухбатдошнинг жавобларини шарҳлаш. Интервью ва сухбатда мавзунинг кўйилиши.

John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Интервью олиш» номли ўн биринчи бобидаги тегишли бўлимлари мос келади.

12-модул. Сухбат мавзусини белгилаш

Сухбат учун мавзу танлаш. Саволлар тузиш. Сухбатдош билан мулоқот маҳорати. Бу модулни ўзлаштириш жараёнида ҳам John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Интервью олиш» номли ўн биринчи бобидаги тегишли бўлимлар мавжуд.

13-модул. Давра сухбати

Давра суҳбати учун мавзу танлаш. Давра суҳбати иштирокчиларини белгилаш. Давра суҳбати учун саволлар тайёрлаш жараёни. Давра суҳбатини олиб бориш. John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. “Writing and Reporting for the Media” китобининг «Интервью олиш» номли ўн биринчи бобидаги тегишли бўлимлар

14-модул. Ҳисобот

Ҳисобот жанр сифатида. Ҳисоботнинг информацион хусусияти. Ҳисоботнинг объекти. Ҳисобот турлари Умумий, мавзули ва изоҳли ҳисоботлар. Ҳисоботда ҳажмнинг аҳамияти.

Амалий машғулотлар

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- амалий машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

- Янгиликларни матбуот саҳифаларидан топиш.
- Давлат сиёсати, халқаро сиёсат ҳақида янгилик ёзиш.
- Иқтисодий мавзуда янгилик ёзиш.
- Содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг ичидан янгиликни ажрата олишни ўрганиш.
- “Тўнқарилган эҳром”, климатик, хронологик шаклларда янгилик ёзиш.
- Маданий мавзуда янгилик ёзиш.
- Таълим соҳасига оид янгилик ёзиш ва таҳрир қилиш.
- Илмий янгилик ёзиш.
- Спорт янгиликларини ёзиш ва таҳрири қилиш.
- Матбуот саҳифаларидан репортаж топиш ва таҳлил қилиш.
- Воқеабанд репортаж ёзиш ва таҳлил қилиш.
- Мавзули репортаж ёзиш ва таҳлил қилиш.
- Муаммоли репортаж ёзиш ва таҳлил қилиш.
- Интервью – монолог ёзиш ва таҳлил қилиш.

- Интервью – ахборот, интервью –диолог ёзиш ва таҳлил қилиш.
- Сухбат ёзиш ва унинг интервьюдан фарқли томонларини кўрсата олиш.
- Хабар ҳисобот ёзиш ва таҳлил қилиш.
- Умумий ҳисобот ёзиш ва таҳлил қилиш.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба “Янгиликлар журналистикаси” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

1) мавзулар бўйича конспект (реферат, тақдимот) тайёрлаш. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;

2) ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Талабалар маъруза ва амалий машғулотлар давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари в.б;

3) фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;

4) ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш. Фан мавзуларини ўзлаштириш, курс иши, битирув малакавий ишларини ёзишда мавзу бўйича ИНТЕРНЕТ манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;

5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иштирок этиш;

6) амалиёт турларига асосан материал йиғиш, деворий газеталар тайёрлаш;

7) ўзлаштирилган билимлар асосида деворий газеталарга, матбуотга ахборот жанрларида материаллар тайёрлаш, шунингдек, илмий семинар ва

анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;

8) амалий машғулотларда бажарган ишларини амалиётга тадбиқ этиш ва мустақил равишда таҳририятлар билан ҳамкорлик қилиш ва ҳ.к.

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўлларини аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, амалий машғулотлар, маҳорат мактаблари доирасида ёки мустақил равишда деворий газета ва матбуот учун журналистик матеираллар тайёрлаш, илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ёзиш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилятини ривожлантиради. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзунини ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, машқлар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, журналистик материал ёзиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

- Матбуот саҳифаларидан янгиликларни топиб ўқиш. Янгиликларни оддий ахборотдан фарқини ажратиш.
- Тўнқарилган эҳром шаклидаги янгиликларни топиш, ўзига хосликларини аниқлаш.
- Климатик шаклдаги янгиликларни топиш, ўзига хосликларини аниқлаш.
- Хронологик шаклдаги янгиликларни топиш, ўзига хосликларини аниқлаш.
- Сиёсий мавзудаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш.
- Иқтисодий мавзудаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш.
- Халқаро мавзудаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш.
- Таълим-тарбия мавзусидаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш.
- Спорт мавзуидаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш.
- Ҳуқуқий мавзудаги янгиликларни топиб, ўқиш, тасаввурга эга бўлиш каби мавзулар берилади. Бу жараёнга оид тавсия этилган адабиётлардан талаба мустақил фойдаланади.

- Хориж ОАВларида репортаж ҳақидаги фикрларни ўрганиб чиқиш;
- Россия журналистикасидаги машҳур репортажларни ўрганиш;
- Тезкор ҳамда кундалик шароитда ёзилган интервьюларни таҳлил қилиш (Ижтимоий-сиёсий ҳамда мустақил, хусусий газеталар мисолида);
- Журналларда нашр этилган суҳбатларни таҳлил қилиш (Ижтимоий сиёсий журналлар мисолида);
- Ижтимоий ва кўнгилочар мавзулардаги суҳбатларни ўрганиб, улардаги асосий белгиларни аниқлаш;
- Иқтисодий мавзуларда ёзилган ҳисоботларни таҳлил этиш (“Мулкдор” газетаси мисолида);
- Мавзули репортаж ёзишни машқ қилиш;
- Воқеабанд репортаж ёзиш жараёнини ўрганиш. Унда тезкорлик хусусиятининг муҳимлигини ҳис этиш;
- Интервью олиш учун бериладиган саволларни илгаридан режалаштириш каби мавзулар берилди.

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан:

– янгиликлар журналистикасига тегишли маъруза дарсларида модуль тизимида асосланган электрон мажмуадан;

– замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида тўғри ва самарали татбиқ қила олиш билан белгиланади. Ушбу мақсадда дарсларда “ақлий ҳужум”, “дебатлар”, “матбуот анжумани” “инсценировка”, “жумбоқ”, “брифинг” каби интерактив-инновацион технологиялардан;

– ўқитиш методлари ахборот олишнинг турли йўллари(расмий ва норасмий) жамоа бўлиб ишлаш, таҳлил, тадқиқот, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, манбаларни қиёслаш, мантиқий мушоҳада каби методлардан фойдаланиш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. John R. Bender, Lucinda D. Davenport, Michael W. Drager and Fred Fedler. Writing and Reporting for the Media, HTM Publishing,. USA, 2015. – 504 p.
2. Carole Rich. Writing and Reporting News. A coaching method. Sixth Edition. – Boston: Wadsworth, Cengage Learning, 2010. – 532 p.

3. Saidov H., To‘xliyeva N. Reportyorlik mahorati: O‘quv qo‘llanma. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. – 120 b.
4. Лазутина Г.В., Распопова С.С. Жанры журналистского творчества: Учеб.пособие для студентов вузов. – М.:Аспект Пресс, 2011. – 320 с.

Қўшимча адабиётлар

1. David Spark, Geoffrey Harris. Practical Newspaper Reporting. 4th edition. – India: New Delhi, 2012. – 1-6 p.
2. The Basics of Professional Journalism: Reporting, Writing and Editing. ICFJ. Part II: Writing. – USA, 2012. – 712 p.
3. Ким М.Н. Новостная журналистика. Учебник. – СПб.: Изд-во Михайлова, 2005. – 352 с.
4. Эрназаров Қ.Т. ва бошқ. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎЗМУ, 2002. – 200 б.
5. Тертычный А.А. Жанры периодической печати: Учебное пособие. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 312 с.

Интернет сайтлари

1. <http://www.mediasprut.ru/media/media.shtml>
2. <http://journalism.narod.ru/>
3. <http://www.library.cjes.ru/online/>
4. <http://www.infohome-altai.ru/node/143>
5. <http://home.about.com/newsissues/>
6. <http://media.utmn.ru/pages.php?pid=57&cid=42>
<http://www.journ.msu.ru/>
<http://www.journ.bsu.by/>

